



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 йил 27 ноябр, сешанба №185 (1199)

## «СИФАТИГА ГАП ЙЎҚ» ДЕЙИШМОҚДА ХОРИЖЛИК САНОАТЧИЛАР

— Доно халқимиз «Бириксанг — куч, бирикмасанг — пуч», «Бирикда барака бор», деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам кўлни кўлга бериб ишлаш қайда-ю, аравани ҳар ёққа қараб тортиш қайда. Биз маъмурият билан касаба уюшма кўмитасидаги муносабатни ана шу ҳикматлар асосида олиб бораемиз. Гапим биров баландпарвозроқ эшитилса ҳам амалда шунча.

Чинободдаги «Алишер Навоий-Интернейшл» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси касаба уюшма ташкилотининг раиси Ҳасанбой Исмоилов биз билан суҳбатда гапни ана шундай бошлади. Андижон вилояти санаетида анчайин салмоққа эга бўлган бу корхона цехларини айланарканмиз, ниҳоятда тезкор ва мураккаб дастгоҳларнинг бир маромда ишлаётганини кўрдик. Уларни чапдастик билан бошқараётганлар эса бундан бир неча йил илгари худди шу корхона ўрнида пахта териб юрган оддий хотин-қизлар: Насибхон Шералиева, Эркиной Тўйчиева, Саодатхон Ваҳобова, Зухраҳон Бекмирзаева...

Касабақум раиси эътиборимизни иқтисодий кўрсаткичларга жалб этади: йилнинг ўтган ойлари мобайнида ишлаб чиқарилган калава ипнинг дерайли ҳаммаси буюртма бўйича чет элларга — Америка, Италия, Швейцария, Россия, Латвияга жўнатилади. Бундан корхона ҳисобига салкам 2 миллион АҚШ доллари тушибди. Корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин ортиб борапти. Жамoa шу кунгача бултургича нисбатан 500 тонна кўп маҳсулот тайёрлаб, даромадни ҳам ошириб боришга эришмоқда.

Мехнатнинг кўзини топган — бойликнинг ўзини топар, деган эканлар. Бу ерда ишловчиларнинг ма-

масъулият, ҳурмат билан қарайди. Касаба уюшма ташкилоти мажлисларида албатта қатнашиб, ўз мулоҳазаларини айтади, яхши таклифлар киритади. Чунончи, яқинда кўмитамизда 2002 йил матбуот нашрларига обуна масаласини муҳокама қилганимизда, ҳозир матбуотсиз замонавий ишчи бўлиш мумкин эмаслигини, обунага пули етмай диганлар бўлса, маъмурият ёрдам беришга тайёр эканлигини билдириб, ҳаммани руҳлантириб юборди. Обуна режамиз 117 фоиз бажарилди. Касаба уюшма нашрларига ёзилганлар ҳам кўп бўлди. Ишловчилар йил бошида жамoa шартномасини қабул қилишга бағишланган йилгилида анча таклифлар билан чиққан эдилар. Ҳозирга келиб бу талабларнинг моддама-модда бажарилаётганини кўриб, сезиб турибдилар. Бу ерда ишчи-ҳодим маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат бўйича бирор эҳтиёж сезмайди, чунки корхона худудида пойабзал таъмирлаш устaxonасидан тортиб, сартарошхонагача бор. Дўкон бир эмас — учта, кутубхона ой сайин янги китоблар ҳисобига бойиб борапти. Ошхона тушлик пайтида бепул хизмат кўрсатади.

Раҳбарият билан касаба уюшма ташкилоти ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини сақлашга маблагини аямайдилар. Корхонанинг ўзида тиббиёт шохобчаси танаффуси сизилляпти. Бу ерда 4 нафар шифокор, шунча ҳамшира меҳнат аҳли соғлигининг посбони. Шунга қарамай вилоят клиникаси ҳисобига 440 давола-

ниш куни учун олдидан пул ўтказиб қўйилган. Бемор бу ерда ҳеч нарса-нинг ташвишини қилмай бемалол даволаниб кетиши мумкин. Унинг доридармонга кетадиган ҳарajatини ҳам корхона тўлайди. Меҳнат таътилига чиқиб, бирор сиҳатгоҳда дам олмакчи бўлган ишчига йўлланма ҳам бепул. Шу йилнинг ўтган ўни ойи мобайнида 13 нафар киши турли санаторийларда хордиқ чиқариб, соғлигини яхшилади. Корхонада спорт билан шуғулланувчилар учун ҳам барча шарт-шароит муҳайё. Теннис майдончаси ва шахмат-шашка клуби ҳамшира гавжум.

Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан корхонада «Зилол» номли бадий ансамбл ташкил этилган. Турли маросимларда, сайру-саёҳатларда улар ҳамшира хизматда.

Ҳасанбой Исмоилов бизни кузатар экан, бир гапни алоҳида таъкидлади: — Касаба уюшма ташкилоти ўтказаятган ҳар бир тадбир, жамoa шартномасида белгиланган ҳар бир талаб, шу ердаги ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясига, маданий дам олишига, саломатлигини яхшилашга қаратилган. Бу омиллар эса меҳнат кишининг кайфиятини кўтариб, ўз корхонасига муҳаббатини оширади, ифтихор туғишини уйғотади. Бундай ишчи ҳеч қачон кўл учиде ишламайди, енг шимариб, бутун маҳоратини ишга солиб, тер тўқади. Бу эса юксак самарадорлик дегани, катта даромад дегани, тараққиёт дегани.

**М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.**



Фахр

«Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

(Ўзбекистон Конституциясининг 1-боб 4-моддасидан.)

## ЖЕЙНОВЛИКЛАР

Кашқадарёнинг Туркманистон худуди билан чегарадош Усмон Юсупов туманида Жейнов аталмиш ажойиб бир қишлоқ бор. Жейновликларнинг меҳнатқашлиги, тантлигини бутун вилоят аҳли яхши биледи. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари бўйича жейновликлар йиллик режани бажаришлардан бўлиб бажаришлари ҳам бу ерда одатий бир ҳол бўлиб қолган.

Қишлоқда асосан араб миллатига мансуб кишилар истиқомат қилишади. Собиқ шўро даврида улар миллатларини эътироф этишдан ҳам ҳайиқиб яшашди. Лекин истиқлол шабадаси жейновликларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида машҳур пахтакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, «Жейнов» ширкатлар уюшмаси раиси Муродилло Саидовнинг сайёҳаракати туфайли бир қишлоқда Қашқадарё вилояти араб миллий-маданий маркази ташкил этилди.

Миллий-маданий марказ ўз олдига ушбу миллатнинг қадимий урф-одатлари, удулари ва анъаналарини тиклаш ҳамда уларни ҳозирги замон талаблари, маънавияти ва руҳияти билан бойитган ҳолда ҳаётга табиқ этишдек вазифани қўйди. Қишлоқ халқи Муродилло акани бир овоздан миллий-маиший марказ раҳбари этиб сайлади.

Орадан ўтган йиллар мобайнида бир қатор кенг қўламли тарбиявий-ташкилий ишлар амалга оширилди. — Мустақиллигимиз ҳар кимнинг инсоний қадр-қимматини жойига

Ангрндаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида Бош Қомусимизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга мунтазам эътибор берилмоқда.

Айни кунларда бу масканда 720 талаба тахсил олмақда. — Ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаган ёшлар билан ишлаш осон ва мароқли, — дейди коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Шавкат Дадаматов. — Шу боис Бош Қомусимизни янада кенг тарғиб қилиш борасида ўқув режасидаги муайян дарс соатлари билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Айни кунларда Конституцияни тарғиб қилувчи янги стэнд ташкил этилган. Талабалар ўртасида «Конституция - Бош Қомусимиз» мавзуида энг яхши плакатлар танлови ҳам эълон қилинди.

Суратларда: тарих ва ҳуқуқ фани муаллимаси Барно Саидалимова; касб-ҳунар коллежининг кўриниши.

Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

БМТнинг Ўзбекистондаги ақолатхонасида ушбу ташкилот Бош қотибининг мамлакатимизга ташриф буюрган ўринбосари Калман Мизей оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

К.Мизей БМТ Тараққиёт дастури раҳбарининг ўринбосари ҳамда мазкур Дастурнинг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори-дир. У ташриф давомида мамлакатимизнинг бир неча вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашиб, Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёни ва атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

БМТ Тараққиёт дастури 1993 йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келади. Айни пайтда мамлакатимизда мазкур дастур иштирокида тўртта дастур ва саккизта лойиҳа ҳаётга табиқ қилинмоқда. Улар кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва микрокредитлар ажратиш, ахборот-алоқа технологияларини жалб этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда инсонлар вақт ўтказишга ёрдам кўрсатиш ва ОИТСга қарши кураш каби жараёнларни ўз ичига олган.

2000-2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига қўра, Тараққиёт дастури турли лойиҳалар ижроси учун 75 миллион 770 минг АҚШ доллари ажратилиши режалаштирилган. Хусусан, жорий йилда бундай мақсад учун 14 миллион 497 минг доллар миқдорда маблаг ажратилиш кўзда тутилмоқда.

К.Мизей журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тутганини ва БМТ мамлакатимизни ўзининг муҳим ҳамкори санашини алоҳида таъкидлади.

Сухбатдош: Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

(ЎЗА)

## Ташаббус

### «БОЛАЖОН» ОМОНАТЛАРИ

Бухоро вилоят Агроеконом мажмуи ходимлари кўмитаси Оналар ва болалар йили муносабати билан кўпгина хайрли ишларни амалга оширди.

Кўмита ташаббуси билан вилоятдаги кам таъминланган оилаларнинг 681 нафар фарзандига «Болажон» омонатлари очилиб, уларнинг ҳар бирага 2000 сўмдан — жами 1 миллион 362 минг сўм ўтказилди.

Бундай ибратли ташаббуси «Бухорон», «Пахтаसानотсотиш», «Бухороё» очик ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшмалари кўллаб-қувватлаб, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳисобига халқ банкларига омонотлар қўйилди.

Кўмита раиси Юсуф Қурбоновнинг таъкидлашича, ногирон боласи бор 2510 оилага 5 миллион 215 минг сўм, 12500 нафар кўп болали оналарга 8 миллион 550 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. ЁЛКИН.

## БАНКЛАР ИШТИРОКИДА

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти 30 от кучига эга тракторлар ишлаб чиқаришини бошлади.

Яқинда «Пахта банк» ва Хитойнинг экспорт-импорт банки ўртасида ушбу тракторларни ишлаб чиқаришни молиялаш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Мазкур кенг қўламли дастурда Хитойнинг Тяньзин шаҳридаги машиналарни сотиш ва харид қилиш компанияси ҳамда Тошкент трактор заводи бевосита иштирок этмоқда.

Дастур уч босқичга мўлжалланган. Мини-тракторларни ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмлар Хитойдан келтирилади. Завод ишчилари эса ушбу тракторларни ишлаб чиқаради ва деҳқонларга тақдир этади.

Тошкент трактор заводи келгуси йил қишлоқ хўжалик мавсумига тракторларнинг сепалар, культиваторлар, жами ўн турдаги керакли қишлоқ хўжалик воситалари билан таъминлайди. (ЎЗА).

## Ислохот инсон учун

Оналар ва болалар йилида 1300 нафардан ошқ 12 ёшга фарзанд тарбияси билан машғул оналар уч иш кунидан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган қўшимча таътилдан фойдаланишяпти. 1624 нафар 2-3 ёшли фарзанд тарбиялаётган аёллар 3 миллион 788 минг сўм қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. 141 нафар ҳомиладор аёл 4 ойлик таътилга чиқарил-

ди. 26 та ташкилотда хизмат қилаётган 4467 нафар аёл ҳам бу имтиёздан баҳраманд. 226 нафар ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Бу мақсадлар учун ижтимоий сугурта ҳисобидан етарлигина маблаг сарфланди.

Оила жамиятининг муҳим бўлини. Уни ҳар томонлама қамол топтириш, фаоллигини ошириш мақсадида дилавий ансамбллар кўрик-танловини ўтказдик. Юзга яқин хонадон аъзолари бу оммавий тадбир-

ди. 26 та ташкилотда хизмат қилаётган 4467 нафар аёл ҳам бу имтиёздан баҳраманд. 226 нафар ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Бу мақсадлар учун ижтимоий сугурта ҳисобидан етарлигина маблаг сарфланди.

Оила жамиятининг муҳим бўлини. Уни ҳар томонлама қамол топтириш, фаоллигини ошириш мақсадида дилавий ансамбллар кўрик-танловини ўтказдик. Юзга яқин хонадон аъзолари бу оммавий тадбир-

ди. 26 та ташкилотда хизмат қилаётган 4467 нафар аёл ҳам бу имтиёздан баҳраманд. 226 нафар ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Бу мақсадлар учун ижтимоий сугурта ҳисобидан етарлигина маблаг сарфланди.

ди. 26 та ташкилотда хизмат қилаётган 4467 нафар аёл ҳам бу имтиёздан баҳраманд. 226 нафар ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Бу мақсадлар учун ижтимоий сугурта ҳисобидан етарлигина маблаг сарфланди.

Оила жамиятининг муҳим бўлини. Уни ҳар томонлама қамол топтириш, фаоллигини ошириш мақсадида дилавий ансамбллар кўрик-танловини ўтказдик. Юзга яқин хонадон аъзолари бу оммавий тадбир-

ди. 26 та ташкилотда хизмат қилаётган 4467 нафар аёл ҳам бу имтиёздан баҳраманд. 226 нафар ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Бу мақсадлар учун ижтимоий сугурта ҳисобидан етарлигина маблаг сарфланди.

## ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

Касаба уюшмалари бугун

ҲАМИША ЁРДАМГА ТАЙЁР

Артистлар ҳам оддий одамлар каби баъзан ҳаётнинг кўнгилсиз ҳодисаларига дучор бўлади. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг балет раққосаси Х.Сайфуддинова касб касаллиги туфайли ногирон деб топилди. Театр маъмурияти артистнинг ногиронлиги бўйича компенсация тўлаш муаммоси ва бошқа масалаларни ҳал этишга ҳеч вақт тополмасди. Бошқача айтганда, улар ушбу иш билан шуғулланишни исташмади. Шунда бу масалага касаба уюшмаси аралашди ва суд орқали ўзининг кўп сонли аъзоларидан бирининг ҳуқуқини ҳимоя қилди. Х.Сайфуддинова ўзига тегишли бўлган барча пулларни олди.

берган ҳолда ҳимоя қилади.

Албатта биз яқка тартибда ишлаётганимиз йўқ. Утган йили шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги масалаларни биргаликда ҳал этиш учун битим тузилган эди. Ҳар бир туманда турли масалаларни, масалан, қарздорлик, иш ҳақи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш каби масалаларни ҳал этадиган кўшма мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот ва бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларни ҳал этмоқдамиз.

Жамоа шартномаси ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда асосий ҳужжати ҳисобланади. Жорий йилда пойтахтдаги 2300 дан ортиқ корхона, муассаса ва ташкилотда ана шундай шартномалар тузилди. Жамоа шартномасига кўра, ҳар қандай иш берувчи ҳодимларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни кучайтириши мумкин. Бу борада уни ҳеч қандай банк айбламайди. Чунки, буларнинг барчаси қонун асосида амалга оширилади. Меҳнаткаш инсон тўғрисида ҳамхўрлик қилиш - муҳим вазифамиздир ва буни биз ҳукумат идоралари ҳамда тадбиркорлар билан биргаликда амалга ошираемиз.

В. ДРАЧЕВ, ЎЗА мухбири.



Конимех туманидаги «Конимех» ширкатлар ҳўжалиги наслчиликка ихтисослашган бўлиб, ишчи ўринларини кўпайтириш мақсадида терини қайта ишлаш ва тикувчилик цехлари ташкил этилди. Мазкур цехда 6 хилдаги кийим-кечалар тикилиб, миқозларга, етказиб берилмоқда.

Суратда: ҳўжалик раҳбари Жондулла Булаев цех ишчилари билан янги тикилган кийимлар сифати ҳусусида фикрлашмоқда.

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

ЎЗ КОРАМ КО'НИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

Анджондаги «Ўз Ко-рам Ко» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иккинчи навбатининг очилиш маросими ўтказилди. Бу ерда «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» автомобиллари бамперларни бевеччи янги линия ишга туширилди. Унинг йиллик қуввати 46,6 минг бутловчи қисмни ташкил этади.

«Ўз Ко-рам Ко» республикада бутловчи деталларни чиқаришни ўзлаштириш дастурига кўра дастлабки корхоналардан ҳисобланади. 1995 йилнинг январиде қўшма корхонани барпо этиш тўғрисидаги Битим унга асос солинди. Ўзбекистон томонидан ҳужжатларга «Ўзавтосаноат» уюшмаси, Жанубий Корея томонидан эса «Ко-рам Пластик Ко ЛТД» компаниялари имзо қўйишган.

Корхона «ЎздЭУ авто» автомобиллари учун олд ва орқа бамперлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳали 1995 йил май ойидаёқ Анджонда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун бамперлар ва прибор панеллари ишлаб чиқариш бўйича корхона ўз ишини бошлаган эди.

«Ўз Ко-рам Ко» қўшма корхонасида бугунги кунда 160 нафардан зиёд ишчи фаолият кўрсатаётир. Улардан кўпчилигининг хорижда малака ошириб келганилиги, қисқа муддатда заводнинг тўла лойиҳа қувватидан ишлашга имкон берди. Йил давомида Жанубий Кореяда 50 нафарга яқин мутахассислар махсус тайёрларилди.

Линия бир сменада 400 та бутловчи маҳсулот ишлаб чиқаради. Автомобил бамперлари учун бўёқларнинг аниқ ранг-барангки, у ҳар қандай нозик автоҳаваскорни ҳам қониқтира олади.

сейсмик ҳолатларга чидамлилиги билан олдингисидан тубдан фарқ қиларди. Лекин корхона яна бир тўсиққа учради. Шаҳарда тез-тез электр энергияси узиб қўйилиши оқибатида ишлаб чиқаришда бекор туриб

Конституциямиз яшамокда, амал қилмоқда

БУЮК

Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун — 1992 йил 8 декабрдан буён ўтган вақт Конституциямиз учун ҳаётий, амалий, назарий жиҳатдан катта синов даври бўлди. Дўстларимиз, хаттоки ганимларимиз ҳам Асосий қонунимизни навқирон давлатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлда, эришилган натижаларга қиёсан ўрганиш, тегишли ҳулоса чиқариш имконига эга бўлдлар. Бироқ, ҳеч ким танқидий фикр айтолмади. Бойси, Ўзбекистон Конституцияси ўзининг ҳаётийлигини ишончи тўрда исботлади. Шу боис йилдан йилга унча бўлган ҳурматимиз, эътиқодимиз ошиб бормокда.

Яна бир эътиборга молик масала шуки, Республикамиз билан олдинма-кейин мустақилликни қўлга киритган қатор давлатлар ҳам ўз конституцияларини қабул қилдилар. Бироқ, уларнинг аксарияти катта синов даврида ўзига хос зарбаларга дуч келди. Қатор ёш давлатларнинг асосий қонунлари қандай бажариляпти? Бу саволга жавоб беришда бироз ўйланга қолсан киши. Ҳамини, Асосий Қонунимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш муайян даражада қийинчилик билан кечмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий қафолатидир. Унинг барча моддалари шу гоё билан йўрилган.

Асосий Қонунимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйганини эътироф этишимиз керак. Шу ўринда ўринли савол туғилади: ҳўш, Конституция талаблари ҳаётимизда қандай бажариляпти? Бу саволга жавоб беришда бироз ўйланга қолсан киши. Ҳамини, Асосий Қонунимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш муайян даражада қийинчилик билан кечмоқда. Бунинг сабабини давлатимиз раҳбари ўз нутқларида кўп бор тушунтириб берган. Таъкидлангандай, собиқ шўро даврида қонун устуворлиги,

қонунга барчанинг бирдек итоат этиши, қолаверса ҳуқуқий тарбия ҳақида гап ҳам бўлмаган. Кейин, кўпчилигимиз лўнда ифодалаганда қонун ва қонун талабларини камситиш, муҳитида тарбия топганмиш. Шу боис аксарият

одамларнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини том маънода тушуниб этиши, тан олиши, бунга ўрганиши бир мунча қийин кечмоқда. Тахририятимизга ноҳақ ишдан бўшатилган ёки пенсия, нафақа пулларини вақтида ололмаётганликларини маълум қилиб, ёрдам сўраб мурожаат қилаётган кишилар ҳаёти, фикр-мулоҳазаларини ўрганар эканмиш, шундай ҳулосага келамиз: одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келаяпти. Шу ўринда мисол келтирсак. Ишчи

Чироқчи туман марказида аҳолининг эътиборини ҳисобга олиб туман ҳокимлигининг ташаббуси билан 3 септабрий янги тижорат бозори иш бошлади.

ЯНГИ БОЗОР

Бир пайтлар ушбу бозорнинг ўрни ташландик бир ҳолатда эди, - деди Чироқчи туман бозор акциядорлик жамиятининг раиси Эшдавлат Усанов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Майдон текисланиб, янги бинолар қурилгач, катта кичик хурсанд бўлди. Шунингдек, ўн киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, тумандаги Чияли ва Кўктош бозорларида ҳам ободончилик ишлари амалга оширилди.

Айритом кишлоғида янги бозор очилди. Келгусида туман марказидаги мол бозори ҳам кенгайтириладиган бўлди.

БЕКАЛАР ҚУВОНЧИ

Яқкабоғ туманидаги Бойкул Худоёров номи ширкат ҳўжалигининг 400 хонадонига «зангори олов» ёна бошлади. Бу йилги фойда-миз эвазига ҳўжалигимизга газ қувурларини келтириб, кишлоғимизга тортидик, - деди ҳўжалик раҳбари А.Ақбаров. - Янги йилгача яна 200 хонадон газлаштирилади.

«ОНА ВА БОЛА» ДАСТУРИ АСОСИДА

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1-акушерлик ва гинекология кафедрасида Республика қизлар репродуктив саломатлиги ўқув-услубий маркази иш бошлади. «Она ва бола» давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган ушбу марказнинг фаолияти қизларнинг саломатлигини тиббий назоратга олиш, мустаҳкамлашдан иборатдир. Марказ бўлимлари ҳозир Қорақолғонистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам ишлаб турибди. - Соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади, - дейди марказ раҳбари Мунира Асадова. - Шу боис қизларда келгусида юзага келиши мумкин бўлган хасталикларни аввалдан аниқлаб, бартараф этишга алоҳида эътибор берялизи. Айни кунларда марказда репродуктив соғлиқни сақлашни долзарб масалалари бўйича қизлар гинекологлари ва акушер-гинекологлар малака оширмоқда.

Бозор талаби қатъий. Унга мослаша олмаган ҳар бир корхонанинг инкиришга учраши ҳеч кимга сир эмас. Урганч қурилиш материаллари очик турдаги хиссадорлик жамиятида ҳам худди шундай воқеа рўй берди. Утган йили корхона санацияга тушиб қолди. Бунинг сабабини хиссадорлик жамияти раиси Оллоберган Дўсимов шундай изоҳлайди:

— Корхонамизда асосан силикат гишт, оҳак ишлаб чиқарилади. Газ ҳамда электр энергияси ҳақини тўлашда қийинчиликлар учрамоқда. Масалан, ишлаб чиқарилган силикат гишти-нинг сув бутида пшашади. Айнан шу берилган бугунинг 8 соатига биз 130 минг сўмдан тўламоқдамиз. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ҳа, албатта. Бозор иқтисодиётини чидаганга чиқарган, деб бежиз айтишмайди. Лекин орадан кўп ўтмай маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида корхона бир йил ичида санациядан чиқиб олди. Лекин корхона қарздорлик балосидан бутунлай фориғ бўлолмади. Шу кунгача,

унинг 54 миллион сўмлик кредиторлик, 29 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд. Боз устига корхона ишлаб чиқарётган гишлар меъёрий талабга жавоб бера олмаганлиги учун ўтган йили республика стандартлаштириш Давлат қўмитаси талабига биноан ишлаб чиқариш тўхтатилди. Яна бундан ташқари, янги йилдаги қарздорликнинг охири оқибатда бу силикат гишларни бир қаватли уйлар ҳамда боз деворлари учун ишлатишга рухсат олинди. Айни вақтнинг ўзида стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулот лойиҳасини тайёрлаш ишлари давом этарди. Ниҳоят, у тайёр бўлди. Ушбу маҳсулот арзонлиги, энгиллиги ҳамда

ИШЧИ БУШАШГА АРИЗА БЕРДИ...

нархда гишт беришди. Уларни биз ярим баҳосигагина сота олдик, холос. Шу йил бошидан эса бунда ҳам маҳрум бўлдик. Турмуш ўртоғим 2-гурўх ногирони. Бу ёғига нима қиламиз, хайронман. Хиссадорлик жамиятида иш ҳақини ололмаётганлар анчагина. Улар орасида собиқ ишчилар ҳам бор. Яна бир муаммо. 1994 йили корхонага қарашли қурилиш-таъмирлаш бошқармаси уй қуриб бериш мақсадида 16 нафар ишчидан аванс тариқасида пул олганди. Режа амалга ошмагач, пул эгаларига қайтарилма бошланди. Лекин М.Аҳмедов, О.Рўзиматов, Е.Эшоннова каби ишчилар ҳануз ўз пулларини ололмади сар-

қат гишт ишлаб чиқарилган. Бу раҳам беш йил олдинги бир ойлик ишлаб чиқариш кўрсаткичга тенгдир. 1996 йилгача мазкур хиссадорлик жамияти 9 та цех, 2 та қурилиш-таъмирлаш бошқармаси, тикувчилик, терини қайта ишлаш устахоналари, лаборатория, диспетчерлик хизмати каби бўлимларга эга эди. Уларнинг барчаси айни пайтда ўз фаолиятини тўхтатган. Хатто, ишчи-хизматчиларнинг имтиёзли нархда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турган ёрдамчи ҳўжалик ҳам эндиликда йўқ.

Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, шу йўл билан ишчи-хизматчи-

ларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш ҳар бир раҳбар, шунингдек, касаба уюшма қўмитасининг биринчи галдаги вазифасидир. Айнан мана шу йўлдан бориб, иқтисодий жиҳатдан юксалаётган корхоналар ҳам анчагина. Лекин мазкур хиссадорлик жамиятидаги аянчи аҳвол, ҳўжасизлик ҳануз давом этмоқда. Нима, мазкур корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитасига ташаббус кўрсатиб ишлаш, излаш, муаммолар ечимига йўл топа билиш каби ҳислатлар бегонами? Мутасаддилар боқимандалик кайфиятидан тамомила ҳалос бўлиб, иқтисодиётни юксалтириш, барча тармоқнинг бирдек ривожланишига эришиш омилларини излаб топиш ва амалиётга дадил жорий этишлари даркор. Зеро, ҳеч ким четдан келиб уларнинг муаммосини ҳал этиб бермайди.

Эркин ЭРМАТОВ, Незмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбирлари

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК КАФОЛАТИ

Республика Байналмилал маданият марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Конституция - менинг тақдиримда» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда истиқомат қилаётган миллий маданият марказлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Ийгилишда кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва эллардан аҳилликда яшаб, меҳнат қилаётгани қайд этилди. Бош Қонунимизда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати,

тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи билан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

«Шу боис ҳар бир фуқаро Конституцияимизда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур англаб оломоғи, юртимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида меҳнат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билмоғи лозим. Бу эса Бош Қонунимизнинг мазмун ва моҳиятини янада кенгрок тарғиб ва ташвиқ қилишни тақозо этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда пойтахт «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан ташкил этилган «Миллий мустақиллик гоёси» деб аталган танловда 259-мактаб ўқитувачиси Нафиса Акбарова голиб деб топилди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Йил бошидан буён республикаимизнинг барча ўқув муассасаларида «Миллий мустақиллик гоёси» фани жорий этилганди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Наимоз Рўзиқулов. - Ушбу фан ёшларимизни мустақилликнинг асосий тамойиллари, жамиятимиз маънавиятининг пойдевори бўлган қадриятлар билан яқиндан таништиришга хизмат қилади. Мазкур фан янгидан жорий этилгани боис, уни қандай ўқитиш тўғри бўлади, деган савол туғилиши табиий. Ўқитувчи ва мураббийларни ушбу фанни ўқитишга назарий жиҳатдан тайёрлаш, уларни ўқув - услубий қўлланмалар билан таъминлаш лозим эди. Танлов ўқитувчиларнинг ёшларга бу дарсни қандай еткази олишлари, мавзунга қай ҳолда қизиқарили бера олиши мумкинлигини намоиш эта олди.

**Харакат дастурида кўрсатиб ўтилганидек, касабга уюшмалари меҳнат муҳофазаси бўйича меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга жорий қилиш, ходимларни ишлаб чиқаришда зарарли омиллардан ҳимоялаш, соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шартларини яратиб бераётганлиги аъло эътибор билан қўрилган. Ҳўш, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш касабга уюшма ташкилотларида бу ишлар қандай амалга оширилляпти?**

Бундан бир йил муқаддам тармок кўмитасининг кенгайтирилган пленумида касабга уюшма ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофазаси бўйича» қонунини ба- жариш бўйича олиб бораётган ишлари таҳлил этилиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда соғлом, ҳавфсиз меҳнат шартларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси соҳасида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тадбирлари ишлаб чиқилган эди.

Вилоятда 86 та тиббиёт профилактика муассасаси мавжуд. Республика «Тез тиббиёт ёрдам» марказининг Бухоро филиали, вилоят клиник касалхонаси, «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти меҳнатни муҳофазаси қилиш доимий комиссиялари, Бухоро туман

хисобидан моддий рағбатлантирилляпти. Масалан, Бухоро тумани марказий шифохонасида ишловчиларга касабга уюшма кўмитаси ташаббуси билан молия босқирмасидан 1 миллион 201 миң сўм, электр энергияси, газ ва коммунал хизмат тўловлари учун керакли миқдорда маблағ ажра-

**Президент фармони — меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи**

Тиббиёт ходимларининг саломатлигини муҳофазаси қилишга жиддий эътибор берилляпти. Чунки, уларга 249 та йўлланма тарқатилиб, бунинг учун 1 миллион 819 миң сўмлик маблағ сарф-

«Аналар ва болалар» йилида аёллар ва уларнинг фарзандлари тўғрисида ҳамхўрлик қўйатирилмоқда. Масалан, Вобкент туманида аёлларни соғломлаштириш вилоят маркази ишга тушди.

сантехниги Н.Худоёров, Қорақўл тумани дезинфекция станцияси ходими Н.Вафина, Ёқдўвон тумани санитария-эпидемиология маркази хисобчиси Р.Қурбонов, Шифокор тўман санитария-эпидемиология маркази шифокори Т.Темуровга кўшимча тоvon пуллари ундириб берилди. Вилоят болалар касалхонаси ҳамшираси Н.Қамолова, Ромитан туман марказий касалхонаси навбатчи ҳамшираси Ш.Салимованинг нотўғри ишдан бўшатилганлиги кўмита томонидан ўрганиб чиқилиб, улар ўз вазифаларига қайта тикландилар.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг, меҳнат ва касб бўйича ногиронлиқнинг олдини олиш соҳасида анча ишлар қилинди. Шунга қарамастан иш жойларини таъмирлаш, дам олиш хоналари қуриш ва зарур анжомлар билан жиҳозлашга лоқайдлик билан қараб келинмоқда. Бундай

**АЁЛЛАРГА КЎШИМЧА ТАЪТИЛ, ТУШЛИК ТАНАФФУС**

ланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга 1 миллион 85 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кўмита хомийлигида ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётган 5 нафар талабга ҳар бири 2 миң сўмдан касабга уюшма стипендияси таънис этилди.

А.Икромов раҳбарлик қилаётган бу шифо масканида даволаниш учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятлар вақтида қўриб чиқилмоқда. Касабга уюшмалари аралашуви билан вилоят тери-таносил касалликлари диспансери

килиб ўзларига жабр қиладилар. Бухоро шаҳри-

лар. Адолат судда тикланди. Натихада «Саховат»

Оқибатда буларнинг ҳаммаси иқтисодни таназзул-

**ҲАЁТ ҚОМУСИ**

даги «Заря Востока» жамиятида ёлланган ишлаган 21 ёшли навқирон йигит бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмди. Бироқ унинг оила аъзолари узок вақт тоvon пули ундиришни ўзларига эл билишмади. Аниқроғи ўз конституцион ҳуқуқларидан фойдалана олмадилар. Оққўнги одамлар, тегишли ташкилотлар мадади, маслаҳати билангина адолат юзига чиқди. Ишчи оиласи фирма маъмурияти томонидан ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳимояга олинмади.

Конунини билган, унга суянган қоқилмайди. Жиззах туманидаги У.Ҳолма- тов номли хўжаликда фаолият юритаётган «Саховат» фермер хўжалиги аъзолари конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиб, адолат учун қатъий курашдилар. Гап шундаки, айрим кишиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли фермерлар етиштирган ортиқча галла ҳам Жиззах ун жамоа корхонасига топширтириб юборилди. Тадбиркорлар ма- салани кўнданла қўйди-

га олиб келган. Мулкка эгаллик ҳисси, моддий манфаатдорлик бор жойдагина инсон кўтаринки кайфиятда ишлайди. Ми- сол учун, замонавий иқтисодий омишлар, хусусан, пудрат шарофати туфайли хўжалигимиз давлатга 7400 тонна ўрнига 8300 тонна пахта топшириб, шартнома режасини ор- тиги билан бажарди. Кўп йиллик кадрдоним Имом- кул Абдуллаев меҳнат беллашувида пешқадам бўлди. У оила аъзолари билан гектаридан 50 цент- нердан ҳосил йиғишти- ришга муваффақ бўлди. Абдуллаевлар оиласи йил давомида 3,5 миллион сўм даромад қилди. Бу мустақиллик, Конституци- ямиз шарофатидандир!

— Истиқлол туфайли жа- хон тажрибасида синалган иқтисодий муносабатларга ўтилган айни муддао бўлди, — дея суҳбатга қўшилди тадбиркор Фулом Усанов. — Уни Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси белгилаб берди. Жумладан, бахт ки- тобида фуқаролар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга экан- лигига алоҳида урғу берил-

ган. Шу боис биз ўз Кон- ституциямиз билан гурунланамиз. Унинг ҳар бир моддаси, боби, бўлимининг аҳамиятини чуқур англаб етишга ҳаракат қилияпмиз. Мен бир нарсани орзу қила- ман, яъни, Конституция- миз ҳам давлатимиз бай- роғи, мадҳияси сингари Ўзбекистон давлатчилиги рамзи сифатида ҳар бир уйда эъзозлаб сақланса дейман.

Ноз-неъмат бунёдкор- лари билан жонли муло- қотлар шунки кўрсатдики, улар эртанги кунимизга, адолат тантанасига чуқур ишонмоқдалар. Зеро, миллий салоҳиятимизни мужассам этган, жипс- лаштирган, катта доvon- лар сари бошлаётган кудратли куч — адолат- нердан ҳосил йиғишти- ришга муваффақ бўлди. Абдуллаевлар оиласи йил давомида 3,5 миллион сўм даромад қилди. Бу мустақиллик, Конституци- ямиз шарофатидандир!

— Истиқлол туфайли жа- хон тажрибасида синалган иқтисодий муносабатларга ўтилган айни муддао бўлди, — дея суҳбатга қўшилди тадбиркор Фулом Усанов. — Уни Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси белгилаб берди. Жумладан, бахт ки- тобида фуқаролар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга экан- лигига алоҳида урғу берил-

**М.ҚАЮМОВ.**

**Бор бўл, оқибат!**

**Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кек- салар, пенсионерлар ва ногирон- ларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора- тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан Жарқўргон туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқ- да.**

**БИЗ ЁЛГИЗ ЭМАСМИЗ**

Юртимизда иймону-диёнатли, саховатпеша инсонлар кўп. Туман ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жам- гармалари, касабга уюшмалари, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилган табаррук кишиларни эъзозлаш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эъти- бор қаратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда туманда 200 на- фардан зиёд фахрийлар яшамоқ- да. Улардан 42 нафар 1-, 97 на- фари II-гурух ногиронларидир. Бун- дан ташқари 200 нафар халок бўлган жангчи оилалари, 11 нафар байналмилалчи ногиронлар ҳам бор.

Муруват, савоб ишлар одамлар қалбига мангу сақланиб қолади. Шу боисдан ҳам ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Туманда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кишиларни ижтимоий муҳо-

фаза қилиш дастури ишлаб чиқил- ган. 40 нафар ёлғиз қарияга бел- гиланган меъёрий озиқ-овқат мах- сулотлари, дори-дармонлар ўз ва- қтида етказиб бериляпти, зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Улар йирик корхоналар, ташкилот ва му- ассасаларга бикритиб қўйилган. Хомийлар ёрдамида қишлоқ хўжа- лик махсулотлари берилмоқда, уй-

жойлари таъмирланаяпти. Масалан, Нефт-геология бошқармаси 100 миң минг сўм ўтказди.

Бундан ташқари «Абдурашид», «Ситора», «Эскиқўргон» хусусий фирмалари ҳам баҳоли кудрат маб- лағ ажратиб, ногиронлик аравача- си олишга ёрдамлашдилар.

«Қушишлоқ» маҳалла кўмитаси раиси Т.Тоғаев, «Соғлом авлод учун» жамгармаси туман бўлими, «Кунчиқош», «Намуна» маҳалла кўмиталари ҳам ногиронлар жами- ятига маълум миқдорда пул ўтка- зиб бердилар.

— Биз ёлғиз эмасмиз. Чунки са- ховатли кишилар доимо атрофимиз- да парвона, — дейди нафақахўрлар Карим бобо Юнусов ва Хусан бобо Тўрақуловлар. — Аллоҳ уларнинг ум- рини узун, давлатини зиёда қилсин.

**А.ИБОДУЛЛАЕВ,**  
**Жарқўргон туман «Нуроний» жамгармаси раҳбари.**

**КЎП ОДАМ ИШЛИ БЎЛДИ**

Андижонда жорий йилда тўртинчи бор бўш иш ўринлари яр- маркиси бўлиб ўтди. Унда турли мулкчилик шаклидаги 120 та корхона, шунингдек, миллий хунармандчи- лик билан шугуллан- увчи 6 нафар уста иштирок этди. Ярмар- када биринчи навбат- да ёшларга ва амни- стияга мувофиқ жазо- ни ўташ муассасала- ридан қайтган киши- ларга эътибор қара- тилди.

— Бобур номидаги ип газлама буюми ишлаб чиқариш акци- онерлик бирлашмаси, «Тоғметалл», «Се- мурғ», «Хумо-UN» ак- ционерлик жамиятла- ри каби қатор корхо- наларда ишлаб чиқа- риш жонлангани са- бабли ишга жойла- шиш тўғрисидаги тақ- лифлар анча кўпайди, — дейди Андижон ша- ҳар ҳокимлигининг меҳнат бўлими бош- лиги И.Мамасолиев.

Иш ўринларининг кат- та қисми хусусий сек- тор томонидан таш- қил этилмоқда. Маса- лан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят марказида ташкил этилган 3055 та янги иш ўринининг деярли ярми яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шугулланаётган шахслар томонидан яратилган. Уларнинг 39 фоизи эса кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳиссасига тўғри кела- ди. Ярмаркада рас- ман тақлиф этилмаган ва яқка тартибда меҳ- нат фаолияти билан шугулланаётган ўнлаб шахслар иштирок этди. Шу куни 24 киши ишга қабул қилинди, кўпчилик курсларда ўқиш учун йўлланма олдди.

**(ЎзА).**

Бешарик туманидаги балиқчилик жамоа хўжа- лиги вилоят аҳолиси учун парҳез гўшт етказиб беришни кўпайтир- моқда.

Соҳа мутахассислари- нинг фикрича, янги мав- сумда балиқ етиштириш юз тоннага кўпаяди.

**БАЛИҚ ГЎШТИ КЎПАЯДИ**


Айни кунда хўжалик кўлларидан карп балиғи урчирилмоқда. Бу балиқ тухумини ташқаридан харид қилишга сарфла- надиган 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаш имқонини бер- моқда.

Табиий усулда етиштирилган балиқлар маҳаллий кўлга тез мос- лашади, турли касал- ликларга чидамлилиги билан ажралиб туради, — дейди балиқчилик хўжалиги бошқаруви ра- исис Олимжон Қаюмов. — Айни кунда оқ амур ба- лиғи тухумини ҳам шу ёрнинг ўзида табиий усулда кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Шу пайтга қадар туман балиқчилари вилоят аҳолисига 200 тонна- га яқин парҳез гўшт ет- казиб берди. Йил охи- ригача бу борадаги кўрсаткич 400 тоннага етади.

Дастлабки ҳисоб-ки- тобларга қўра, жорий йилнинг ўзида балиқчи- лар кўрадиган ялли да- ромад ҳажми 30 милли- он сўмга етади. Сифат- ли озуқа муаммоси ҳал этилса, бу рақам янада кўпаяди. Афсуски, ҳозирча дон махсулот- лари корхоналарида тайёрланаётган озуқада балиқ парваришlash ва махсулдорликни оши- риш учун керакли мод- далар етишмайди.


**(ЎзА).**



**Чилонзор туманидаги «Хикматли нон» хис- садорлик жамияти ишчилари аҳолига сифат- ли нон ҳамда қандолатнинг 14 турини етказиб бермоқда. Неъматлар ўзининг сифатли- лиги билан кўпчиликка манзур бўляпти. Инок жамоа саховатпеша ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Хусусан, болалар боғчаси, туман спорт мажмуи ҳисоб рақамига маблағ ўтказилди. Иқтисодиёт юксалаётгани боис янги иш ўринлари яратиб эътибор қўйай- ди. Корхона ёшлари замонавий технология- дан унумли фойдаланишмоқда.**

**Суратларда: ўз касбининг усталари Х.Ақромов ва Р.Исоқжонов.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**



**БУГУН МОЗОРИ — ШАРИФДА**



Мозори-Шариф ша- ҳри аҳолиси айни кун- ларда ўзгача шуқуҳ билан яшамоқда. Бунинг боиси шаҳарнинг тўлиқ Шимолий Иттифоқ қўшинлари ихтиёрига ўтганлигидир. Бу ерда ин қўрган толибонлар таълим бўлиб, қуролла- рини топширганларидан сўнг ҳаёт изга туша бошлади. Илгари фао- лият кўрсатган кимё за- води ҳамда ёғ-мой ком- бинати қайтадан ишлай бошлади. Айниқса, ша- ҳарда янги мактабнинг очилгани ҳамда барча йўналишларда йўл ҳаракатини бошқаради- ган ходимларнинг пай- до бўлганлиги кўпчи- ликни мамнун этди.

**САЙЁРАМИЗ САДОСИ**

**ҚАНДАҲОРНИНГ СЎНГИ НАФАСИ**

Афғонистон жанубидаги толибонларнинг қароргоҳи — Қандаҳор шаҳри охириги нафасини олмоқда. Шан- ба ва яқшанба кунлари АҚШнинг «В-52» русумли ҳарбий самолётлари ша- ҳарга бомбалар ёғдириди. Уларнинг оғирлиги 7 тон- нага яқин бўлиб, жуда кат- та вайронгарчиликлар келтириш қувватига эга.



**«АЛ-ҚОИДА»ЧИЛАР ҚОПҚОНДА**

Ҳозиргача бутун жаҳон бўйлаб 11 сентябр воқеа- ларидан сўнг «Ал-Қоида» ва бошқа террорчи ташки- лотлар билан алоқа қилиш- ликда гумон қилинган 360 киши ҳибсга олинган. 8 на- фари Испанияда ушланди. Бироқ, Испаниянинг суд маъмурилари уларни АҚШ- га беришдан бош тортмоқчи- далар. Суд терговчиси Балъасар Гарсон бундай хатти-ҳаракатларни қўлга олинганларнинг Испания фуқаролари эканлиги билан оқламоқда. Зотан,



1978 йилги Конституцияга биноан жиноятчи деб ҳисобланган испан фуқа- роларини хорижий давлат- ларга бериш таъқиқлана- ди.

**ТОЛИБЛАР ОРОЛГА СУРГУН ҚИЛИНАДИ**

«Ал-Қоида» ташкилоти- нинг асирга тушган жанга- рилари Тинч уммондаги АҚШга қарашли оролларга сургун қилинажаклиги маълум бўлди. Ҳозирча ана шундай масканлардан бири сифатида Гуам оро- лари тилга олинмоқда. Мазкур минтақада 152 миңдан зиёд аҳоли исти-

**ЁСИР АРОФАТ САФАРДА**

Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқди. Куни-кеча у Мисрда бўлиб, президент Мухаммад Хус- сини Муборак билан учра- шди. Мазкур сафар арафа- сида эса Ё.Арофатнинг Дор-ал-Балак деган жой- даги қароргоҳи Исроил вертолётлари томонидан ўққа тутилди. Хужум пай- тида мазкур бинода ҳеч ким бўлмаганлиги учун би- рон-бир киши ажалга йўлиқмади. Шу орада Ис- роил ҳарбийлари беш на- фар фаластинлик террор- чини қўлга олдилар. Улар орасидаги Иброҳим Обид Хусайн шу йил ўзида Тел- Авив шаҳрида содир этил- ган қўпоровчиликни уюш- тирганлигида гумон қилина- ётир.

**ЎСИР АРОФАТ САФАРДА**

Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқди. Куни-кеча у Мисрда бўлиб, президент Мухаммад Хус- сини Муборак билан учра- шди. Мазкур сафар арафа- сида эса Ё.Арофатнинг Дор-ал-Балак деган жой- даги қароргоҳи Исроил вертолётлари томонидан ўққа тутилди. Хужум пай- тида мазкур бинода ҳеч ким бўлмаганлиги учун би- рон-бир киши ажалга йўлиқмади. Шу орада Ис- роил ҳарбийлари беш на- фар фаластинлик террор- чини қўлга олдилар. Улар орасидаги Иброҳим Обид Хусайн шу йил ўзида Тел- Авив шаҳрида содир этил- ган қўпоровчиликни уюш- тирганлигида гумон қилина- ётир.

**МУЖ ҚИЗЛАРНИ «ЁҚТИРАДИ»МИ?**

Украинанинг Хмельниц- кий вилоятидаги Каменец- Подольск туманида галати воқеа содир бўлди. Уч кун муқаддам туман аҳолиси соат 23.00 да дафъатан Но- монда пайдо бўлган Но- маълум учар жисмлар (НУ- Ж)ни қўриб қолдилар. Муж- лар кўш доира ҳосил қилиб, атрофини ёритдилар. Бундай хатти-ҳаракат тўрт соат давом этди. Мужлар асосан шар шаклида эди.

Бунга қарангки, бир неча шар дискотекадан келаёт- ган қизларга эргашиб қол- ди. Улар зўр-базўр қочиб кутулдилар. Бу ҳодисадан сўнг туман аҳолиси ўзла- рини жуда мадорсиз сез- дилар. Бошлари оғриди, кўрқув ҳисси кўчмади. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

